

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК -ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/29.08.2023. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УБАЙДУЛЛАЕВА НАВРУЗА НЕЪМАТЖОНОВНА**

**ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ СОРБЦИОН АЖРАТИБ ОЛИШ  
УЧУН ФАОЛЛАШТИРИЛГАН КЎМИР АДСОРБЕНТЛАРИ ОЛИШ ВА  
УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Убайдуллаева Навруза Неъматжоновна**

Қимматбаҳо металларни сорбцион ажратиб олиш учун  
фаоллаштирилган кўмир адсорбентлари олиш ва уларнинг  
коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлаш..... 3

**Убайдуллаева Навруза Неъматжоновна**

Получение активированных углеродных адсорбентов  
для сорбционного разделения благородных металлов  
и определения их коллоидно-химических свойств .....21

**Ubaydullaeva Navruza Nematjonovna**

Preparation of activated carbon adsorbents  
for sorption separation of precious metals  
and determination of their colloidal chemical properties ..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....42

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯЛАР ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/29.08.2023. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН  
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УБАЙДУЛЛАЕВА НАВРУЗА НЕЪМАТЖОНОВНА**

**ҚИММАТБАҲО МЕТАЛЛАРНИ СОРБЦИОН АЖРАТИБ ОЛИШ  
УЧУН ФАОЛЛАШТИРИЛГАН КЎМИР АДСОРБЕНТЛАРИ ОЛИШ ВА  
УЛАРНИНГ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ АНИҚЛАШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

## Наманган–2024

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Оли фан ва инновациялар Вазирлиги хузуридаги Олий Аттестация Ком В2023.4.PhD/K705 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё инситути, Наманган давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.fagri.uz](http://www.fagri.uz) va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Салиханова Дилноза Саидакбаровна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кулдашева Шахноза Абдулазизовна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Очилов Ғолиб Мамаюсупович**  
кимё фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «12» август соат 11-00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти, 3- бино, 1-қават, илмий кенгаш хонаси).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (303)-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (99869) 225-10-07.

Диссертация автореферати 2024 йил «1» август куни тарқатилди.  
(2024 йил « 1 » августдаги № 9-рақамли реестр баённомаси)

**О.К.Эргашев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.Ш.Шеркузиев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**А.С.Боймирзаев**

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д., проф

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда саноат чиқиндиларини утилизация қилиш улардан иккиламчи хомашё сифатида фойдаланиб янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш нафақат экологик, балки иқтисодий тарафдан ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бундай маҳсулотлардан бири, сорбцион хусусиятли углеродли адсорбентлар бўлиб, уларни сорбцион хоссасини ўрганиш ва турли соҳаларга, озиқ-овқат, металлургия, кимё ва бошқа соҳаларда адсорбцион жараёнларда қўллаш имкониятлари мавжуд. Углеродли адсорбентларни қўллаш имкониятлари кенг бўлиб, уларни суюқ, газ ва қаттиқ муҳитларда ишлатиш имкониятлари муҳим аҳамиятга эгадир.

Дунёда қимматбаҳо металлларни сорбцион ажратиб олиш учун фаоллаштирилган кўмир адсорбентларини бир қатор самарали адсорбентлар ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, углеродли адсорбент олиш учун хомашё базалари ўрганиш; углеродли адсорбентни (ёнғоқ ва бодом) олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш; уларни фаоллаштириш ва модификация қилиш усулларини ва мақбул шароитларини танлаш; углеродли адсорбентларнинг адсорбцион хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ўсимлик чиқиндилари асосида юқори самарали сорбция қобилиятига эга адсорбентлар яратиш ва улардан қимматбаҳо металлларни сорбцион ажратиб олиш ҳамда оқова сувларни адсорбцион тозалаш бўйича назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2024-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегиясининг Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи - ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириш деб номланган 4-йўналишида «Кон-металлургия саноати соҳасида экологик талаблар ва атроф-муҳит муҳофазаси меъёрларини халқаро стандартлар асосида белгилаш дастурини ишлаб чиқиш...»<sup>1</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада ўсимлик чиқиндилари асосида углерод адсорбентларини олиш ва қимматбаҳо металлларни сорбцион ажратиб олиш ҳамда улардан саноат оқова сувларини тозалашда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 23-августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021- йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси» тўғрисидаги Фармони

«Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Илмий-техник адабиётларда ўсимлик чиқиндилари ҳамда табиий кўмир асосида олинган адсорбентлар яратиш, улар ёрдамида оқова сув таркибидан қимматбаҳо металлларни сорбцион ажратиш бўйича чет эл олимларидан J.D.Torres , E.A. Faria, A.G.Prado, T.E. Никифорова, H.A. Собгайда, Ю.А. Макарова, А.Е. Кузнецов, H.Б. Градова, С.В. Лушников, М. Энгельхарт, Т. Вайссер, H.С. Жмур, M.В. Чеботарёва, С.В. Яковлев, И.Г. Краснобородько, В.М. Рогов, Г.А. Селицкий, В.П. Исаченко илмий изланишлар олиб боришган.

Ўзбекистон олимларидан С.С.Хамраев, М.Д. Исобаев., Э.Х.Пулатов, Т.Х.Абдуллаев, М.З.Турдиалиев, Г.А.Мирзатиллаев, Г.М.Гулямова, К.К.Назаров, Г.Р.Нарметова, С.А.Абдурахимов, Р.Х.Гумаров, И.К.Сатаев, О.К.Бисенбаев, Г.У. Рахматкариев, И.Д.Эшметов, О.К.Эргашев, Д.С.Салиханова, Д.Ж.Жумаева ва бошқа олимлар маҳаллий хомашёлар ва чиқиндилар асосида адсорбентлар олиш ва уларнинг адсорбцион хоссалари бўйича изланишлар олиб боришган ва олиб боришмоқда.

Ёнғоқ пўсти асосида термик пиролиз усулида углеродли адсорбент олиш бўйича ЎзРФА УНКИ олимлари тамонидан илмий изланишлар олиб борилган, ушбу олинган адсорбентлар ёрдамида аминларни ва турли таркибли оқова сувларни тозалаш ишлари олиб борилган. Лекин металлларни оқова сувлар таркибидан сорбция қилиш бўйича илмий изланишлар деярли олиб борилмаган. Шу сабабли углеродли адсорбентларда металллар сорбциясини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот режаларига мувофиқ «Маҳаллий хомашёлар асосида олинган фаоллантирилган кўмирлар ёрдамида қимматбаҳо металлларни ажратиб олиш» мавзуси хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ёнғоқ ва бодом пўстлоғи асосида модификацияланган углеродли адсорбент олиш ва уларнинг адсорбцион хоссасини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўсимлик хомашёлари асосида углеродли адсорбентлар олиш учун уларнинг хомашё базаларини ўрганиш;

ёнғоқ ва бодом пўстлоғидан фаоллантирилган ва модификацияланган углеродли адсорбент олишнинг оптимал шарт-шароитларини аниқлаш;

юқори сорбцион хусусиятли адсорбент олиш учун ёнғоқ ва бодом пўстлоғидан модификаторлар ёрдамида модификациялашнинг оптимал шарт-шароитларини аниқлаш;

модификацияланган углеродли адсорбентларда (УА) турли табиатдаги адсорбатлар адсорбциясини ўрганиш;

ўсимлик чиқиндилари ёнғоқ ва бодом пўстлоғидан модификация қилинган углеродли адсорбент (УА) олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

қимматбаҳо металлари сорбцион ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

углеродли адсорбент (УА) олиш ва қўллаш технологиясини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўсимлик чиқиндилари (ёнғоқ ва бодом пўстлоғи) асосида олинган углеродли адсорбент, саноат оқава сувлари, солиштириш учун назорат намунаси, модификаторлар (KOH ва NaOH) ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** углеродли адсорбент олиш усуллари, уларни модификациялаш қонуниятлари ва саноат оқава сувларни тозалаш жараёнларининг қонуниятлари, шунингдек, углеродли адсорбентларнинг физик-кимёвий ва адсорбцион хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида физик-коллоид, физик-кимёвий тадқиқот усулларида (ИК спектроскопия, электрон микроскопия рентген нурлари дифракцияси, СЕМ, калориметрик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

карбонизация шароитлари ва ишқор таъсирида ғовакли структуранинг ўзгаришига ва сорбцион хоссаларига таъсири аниқланган;

ишқор билан термокимёвий ишлов беришни унумга, унинг структур-сорбцион кўрсаткичларига таъсири аниқланган;

термокимёвий KOH билан модификациялаб олинган углеродли адсорбентни 1:0.5, 1:1 ва 1:2 нисбатларда ишлов бериш чиқиш унуми 36.0% дан 46.6% га ошириши, солиштирма сирт юзалари бодом пўстлоқларидан олинган намуналарда ёнғоқ пўстлоқларида олинган намуналарга нисбатан юқори эканлиги аниқланган;

паст ҳароратли азот адсорбцияси натижасига кўра ҳар икки намунанинг дастлабки намуналарга нисбатан адсорбция кўрсаткичлари деярли икки баробарга ортиши, намуналарнинг БЭТ бўйича солиштирма сирт юзалари ( $S_{\text{ВЕТ}}$ ), ўртача ғовак ҳажмлари ҳамда ғовакларнинг ҳажмий тақсимланиши ҳисобларига кўра исботланган;

ЁУА ва БУА углеродли адсорбентлар ёрдамида оқава сувлар таркибидан металл ионларини тозалаши, Ni ва Cu ионларини РЭМ га тушуриши исботланган;

ЁУА ва БУА углеродли адсорбентлар олиш технологияси ва техник-иктисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўсимлик чиқиндилари (ёнғоқ ва бодом пўстлоғи) асосида модификация қилинган углеродли адсорбент олиш технологияси ишлаб чиқилган;

углеродли адсорбентлар ёрдамида металлургия саноати оқава сувлари таркибидан металл ионларини тозалаш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Фойдаланилган кимёвий ва замонавий физик-кимёвий таҳлил натижалари, тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги ва саноат миқёсида ишлаб чиқаришга тадбиқ этилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ёнғоқ пўстлоғи ва бодом пўстлоғини модификация қилиш орқали фаоллашган углеродли адсорбент олиш ва олинган адсорбентни ишлаб чиқариш корхоналардан чиқаётган оқава сувларини классификацион схема асосида тозалаш ҳамда янги сорбцион хусусияти юқори бўлган адсорбент олиш технологиясини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий ўсимлик чиқиндиларидан фаоллашган углеродли адсорбент олиш орқали улардан қиматбаҳо металлургия сорбцион ажратиб олиш ҳамда саноат оқава сувларини тозалашда фойдаланиш технологиясини саноат миқёсида ишлаб чиқаришга ҳамда кимё ва кимёвий технология соҳасидаги таълим муассасаларида магистр ва бакалаврларни тайёрлашда ўқув жараёнларига қўллашга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўсимлик чиқиндилари (ёнғоқ ва бодом пўчоқлари) асосида оқава сувлар таркибидаги металл ионларини сорбцион тозалаш учун углеродли адсорбент олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ёнғоқ ва бодом пўчоғи асосида термокимёвий усул ёрдамида углеродли адсорбент олиш технологияси «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг “2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (Навоий кон-металлургия комбинати АЖнинг 2023 йил 31 августдаги 23/01-01-07/423-сон маълумотномаси) Натижада, ўсимлик чиқиндилари асосида углеродли адсорбентлар олиш имконини беради;

ЁУА ва БУА ёрдамида металлургия саноати оқава сувлари таркибидан металл ионларини тозалаш усули «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг “2023-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган («Навоий кон-металлургия комбинати» АЖнинг 2023 йил 31 августдаги 23/01-01-07/423-сон маълумотномаси) Натижада, металлургия саноати оқава сувларини металл ионларидан тозалаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та конференцияларда, жумладан, 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

**Кириш қисмида** олиб борилаётган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети баён этилган, тадқиқотларнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, саноат тажриба-синовлари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўмир адсорбентлари, уларни хоссалари ва олиш усулларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, ёнғок ва бодом пўстлоғи асосида олинган адсорбент ҳамда олинган адсорбентни турли муҳитда модификация қилиниши ва олиш усулларининг дунё олимлари томонидан таклиф этилган технологиялар бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик чиқиндиларидан углеродли адсорбент олиш тажриба техникаси ва тадқиқот услубияти**» деб номланган иккинчи бобида, бодом ва ёнғок пўстлоғини пиролиз усулда адсорбент олиш ва олинган адсорбентларни модификациялаш ҳамда унинг таркиб тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Адсорбент олишда хомашёлар танлаш ва таркиби ва хоссаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Углеродли адсорбент олиш учун хомашё сифатида бодом ва ёнғок пўстлоғи олинган. Бунинг асосий сабаби унинг хомашё сифатида республикада етарлилиги ва уларни чиқинди сифатида йўқотиш заруратидир. Уларни морфологик жиҳатдан турлича эканлиги, уларни модификация ва фаоллаштиришда турли ёндошувларни талаб этади. Тадқиқот учун уларни заррачалар ўлчами 1-0.063мм оралиғида олинган.

Уларни термик ишлов бериш, яъни кўмирлаштириш жарёни 300-900°С оралиғида лабораторияда махсус йиғилган пиролиз қурилмасида амалга оширилди. Жараёни инерт муҳитда юқори ҳамда нормал атмосфера

босимида олиб борилди. Кимёвий модификациялаш калий ва натрий ишқоридан фойдаланилди.

Бодом ва ёнғоқ пўстлоқлари асосида углеродли адсорбент олишда унинг физик-кимёвий таркиби ва тузулиши ҳамда таркиби ва миқдорий таркиби энергодисперсион рентгенофлуоресцент спектрометрда аниқланди. MA10 SEM сканерловчи электрон микроскоп ёрдамида морфологик таҳлиллари ўтказилди. Ушбу таҳлил намуналарнинг элемент таркиби ҳақида ҳам маълумот келтирилган.

Модификация қилинган материалларнинг ИК спектрлари Avatar 360 FT-IR Nicolet iS50 Thermo Fisher Scientific, 400-4000 см<sup>-1</sup> частота диапазонида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик чиқиндилари асосида углеродли адсорбент олиш усуллари ва уларнинг коллоид-кимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида, янги ЁМА ва БМА углеродли адсорбентлар олиш ва уларни физик кимёвий хоссалари ҳамда саноат қўлланиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Углеродли адсорбент - карбонизация қилиш орқали олинади. Ўсимлик чиқиндиларини, яъни объект сифатида олинган ёнғоқ ва бодом пўчоқлари турли ҳароратда карбонизация қилинди. Ҳарорат ошишини унимга боғлиқлиги ўрганилди ва натижалари 1-жадвалда келтирилди.

Углеродли хомашёнинг, яъни ёнғоқ пўстлоғи -400 °С да бодом пўстлоғи эса -300 °С да тўлиқ кўмирлашиши аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган.

### **1-Жадвал**

#### **Бодом ва ёнғоқ пўстлоғидан углеродли адсорбент олишда унумининг ҳароратга боғлиқлиги**

<b>Хомашё</b>	<b>300</b>	<b>400</b>	<b>500</b>	<b>600</b>	<b>700</b>	<b>800</b>
Бодом пўстлоғи, %	41	40	40	39	37	35
Ёнғоқ пўстлоғи, %	40	39	37	37	35	35

1-жадвалдан ҳароратни 300<sup>0</sup>С дан 800<sup>0</sup>С га кўтариш унумни секинлик билан камайиши кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби таркибий тузилиши бўлиб, таркибидаги углерод монооксид ва карбонат ангидрид ажралиб чиқиши билан карбонизацияланган хомашёнинг ёниши билан боғлиқ. Маҳсулот уними юқорилиги углеродли адсорбент олиш ўзини-ўзи оқловчи технология ҳисобланади.

Дастлабки хомашё ва карбонизация қилиб олинган углеродли адсорбентларни тасвирлари 3.1- расмда келтирилган.



а-бодом



б-майдаланган



с-карбонизат



а-ёнғоқ



б-майдаланган



с-карбонизат

### 1-расм. Бодом ва ёнғоқ пўстлоғи ва ундан олинган углеродли адсорбент тасвири

Термик пиролиз усулида олинган углеродли адсорбентлар доим ҳам етарли даражада сорбцион хоссаларини эга бўлмайди, шу сабабли уларни кислота ёки ишыорлар билан модификация қилиш орқали сорбцион хоссаларини ошириш имкониятлари кўрилган. Ишқор билан ишлов берилмаган карбонизат 50-180 м<sup>2</sup>/г паст солиштирма юзага эга. Лекин ишқор билан ишлов бериш сезиларли ғовакли структурани ўзгаришига олиб келади. Ўзгариш таъсирини ўрганиш мақсадида уларни азот адсорбцияси бўйича сорбцион хусусиятлари ўрганилди.

### 2-Жадвал

#### Модификациялашда ишқорнинг концентрацияси ва нисбатини солиштирма юзага таъсири

Адсорбент номи	Карбонизат/ишқор нисбатида солиштирма юзаси			
	1:0.5	1:1	1:1.5	1:2
БП* NaOH-50%	650	720	740	730
БП KOH-50%	665	735	745	752
ЁП* NaOH -50%	690	750	758	779
ЁП KOH-50%	710	750	745	762
БП NaOH -40%	495	560	577	580
БП KOH-40%	487	555	568	578
ЁП NaOH -40%	515	532	578	600
ЁП KOH-40%	530	580	577	590
БП NaOH -30%	370	380	399	410
БП KOH-30%	415	442	458	465
ЁП KOH-30%	530	580	577	590

ЁП <sub>КОН-30%</sub>	380	395	407	415
-----------------------	-----	-----	-----	-----

БП\*-бодом пиролизланган  
 ЁП\* - ёнғоқ пиролизланган

Юқоридаги жадвалдан концентрацияни ва нисбатни 1:2гача ошириш натижасда солиштирма юзани 1:1 нисбатдан кейин деярли катта ўзгариш бермаганлигини кўриш мумкин. Ишқор концентрациясини 50% лиги билан ишлов берилганда энг юқори натижа берди, бунда ҳам КОН натижаси NaOH натижаларига нисбатан юқори эканлигини жадвалдан ҳам кўриш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири микроғоваклар ҳажми ошишидандир. Солиштирма юзанинг ошиши микроғовакли структуранинг ривожланиши натижасиди.

Шундай қилиб, солиштирма юзанинг ўзгаришига қараб, энг мақбул ишқорнинг концентрацияси 50%, 1:1 нисбатда модификациялаш жараёнини олиб бориш етарли эканлиги аниқланди.

Ишқорнинг концентрацияси ва нисбати ўзгариши билан мезоғовак, микроғовак ҳажмлари ҳам ўзгаришига таъсири ўрганилди ва натижалари 3-жадвалда келтирилди.

### 3- жадвал

#### Модификациялаш таъсирида ғовакларни нисбатини ўзгариши

Адсорбент номи	Ғоваклар ҳажми, см <sup>3</sup> /г	Карбонизат:ишқор нисбати				
		0	1:0.5	1:1	1:1.5	1:2
БП <sub>NaOH-50%</sub>	V <sub>мик</sub>	0.06	0.22	0.40	0.42	0.32
	V <sub>мез</sub>	0.04	0.28	0.42	0.33	0.30
БП <sub>КОН-50%</sub>	V <sub>мик</sub>	0.08	0.31	0.56	0.54	0.39
	V <sub>мез</sub>	0.01	0.24	0.31	0.45	0.32
ЁП <sub>NaOH-50%</sub>	V <sub>мик</sub>	0.02	0.28	0.38	0.35	0.31
	V <sub>мез</sub>	0.01	0.23	0.48	0.45	0.35
ЁП <sub>КОН-50%</sub>	V <sub>мик</sub>	0.14	0.27	0.48	0.51	0.45
	V <sub>мез</sub>	0.03	0.24	0.35	0.41	0.35


Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 1:1 нисбатда ишқорни қўллаб модификация қилиш мезоғовакларни ошишига ва ундан кейинги миқдорининг ошиши унинг ҳажмининг камайишига олиб келиши аниқланди. бунинг асосий сабаби ишқорнинг концентрацияси ошиши билан ғовакларни ўзаро тақсимланиши ҳисобига мезоғоваклар камайиб, микроғоваклар кўпайишига олиб келди.

КОН билан модификация қилинган бодом пўстлоғи намунаси NaOH билан ишлов берилган намунага нисбатан юқорироқ натижаларга эга эканлигини кўриш мумкин. Ёнғоқ пўстлоғи намунасига нисбатан бодом пўстлоғидан олинган намуна микроғоваклар ҳажми катталигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, 50% ли ишқорнинг 1:1 нисбатда модификациялаш

солиштирма юзаси ва микроғовак ҳажми юқори углеродли адсорбент олиш имконини беради.

Термик пиролиз жараёнини давомийлигини солиштирма юзага таъсири ўрганилди. Олинган натижалар қуйидаги 2-расмда келтирилган.




**2-Расм. Модификациялаш жараёни давомийлигини солиштирма юзага боғлиқлиги**

Графикдан кўришиб турибдики, кимёвий модификациялашни 800 °C да 100 минутгача олиб бориш адсорбентнинг солиштирма юзаси максимал даражада ошиши, яъни 750 м²/г гача ошганини кузатилади. Ундан кейинги модификациялаш жараёнини давом эттириш деярли солиштирма юзани ўзгармаслиги аниқланди.

Олинган углеродли адсорбентларнинг ИК-спектр таҳлили 3-расмда келтирилган. Намуна сифатида танланган, кокос пўчоғидан олинган кўмирнинг ИК спектрларини 3182 см<sup>-1</sup> соҳасида кенгайган ёйсимон кучсиз ютилиш кузатилган бўлиб, бу сув молекулаларининг валент (ν) тебранишлари билан изоҳланади. Яъни пиролиз давомида органик моддаларнинг куйишидан ҳосил бўлган сув молекулалари кўмирнинг ғовакларидан чиқиб улгурмаганлигидан далолат беради. Кучсиз ютилиш сув молекулаларининг фақат сирт юзасига ютилганлигини кўрсатади. Кейинги 2384 см<sup>-1</sup> ҳамда 2298 см<sup>-1</sup> соҳаларда кучсиз ютилиш юзага келган бўлиб ушбу чўққиларда пиролиз натижасида ҳосил бўлган СО, СО<sub>2</sub> газлари мос равишда 2384 см<sup>-1</sup> да, кокос пўчоғининг таркибидаги азотли органик бирикмаларнинг пиролиз натижасида парчаланишидан NO ва NO<sub>2</sub> газлари тегишли равишда 2298 см<sup>-1</sup> соҳаларда ютилишларни қайд этган. Какос пўчоғи таркибидаги айрим органик бирикмаларнинг чала оксидланиши ёки тўлиқ парчаланмаслиги натижасида карбонил гуруҳи (-C=O) тутган бирикмалар (карбон кислоталар, мураккаб эфирлар, алдигедлар ва кетон)нинг борлигидан инфрақизил спектрининг 1582 см<sup>-1</sup> соҳасидаги кучли ютилиш чўққиси далолат беради. 1237 см<sup>-1</sup> соҳада мураккаб эфирлардаги углерод кислород боғининг (O-C-O) валент тебранишлари кузатилди. Ютилиш спектрларининг қуйи 873-413 см<sup>-1</sup> соҳаларида кўмир таркибидаги

минералларга хос бўлган металл оксидларининг М-О боғларининг тебранишлари кузатилган (3-расм).



**3-расм. Какос (б) (Намуна) ва ёнғоқ пўчоғидан (а) пиролиз усулида олинган углеродли адсорбент ИК таҳлили**

Солиштириш учун 400°C да пиролизланиб олинган ёнғоқ пўстлоғидан олинган углеродли адсорбент инфракизил спектроскопик усули 400-4000 см<sup>-1</sup> соҳалар орасида таҳлил қилинди.

Дастлаб намуналар (бодом ва ёнғоқ пўстлоқлари) 500°C ҳароратгача, яъни кўмирлашгунча пиролиз қилинади. Кейин майдаланиб, 50%ли ишқорнинг (KOH ва NaOH) эритмалари билан 1:0,5, 1:1, 1:2 нисбатларда аралаштириб, 24 соат давомида тиндирилади. Кейин қуришиб пиролиз қурилмасига яна 800°C га 60-90 минутга қўйилади. Совитилган намуналарни дистилланган сув ёрдамида нейтралланади ва олинган масса 1 соат мобайнида қуриштириш шкафида қурилади. Модификация жараёнининг чиқиш унумига таъсири ўрганилди (4-жадвал)

*4-жадвал.*

**Ишқор нисбатининг углеродли адсорбентнинг чиқиш унумига таъсири**

Номланиши	Адсорбент/ишқор нисбати	Адсорбент массаси, гр	Нейтраллашдан кейинги массаси	Қолган масса, %
БУА*	1:0,5	3.0	1,46	48.6
БУА	1:1	3.0	1,16	38.6
БУА	1:2	3.0	1,08	36.0
ЁУА*	1:0,5	3.0	1,71	57.0
ЁУА	1:1	3.0	1,53	51.0
ЁУА	1:2	3.0	1.4	46.6


\* БУА – Бодом углеродли адсорбент;

\* ЁУА – Ёнғоқ углеродли адсорбент.

Юқоридаги жавдалдан модификация жараёнида намуна ўзининг дастлабки массасидан 50% деярли йўқотишини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби ишқор таъсирида баъзи тузларнинг эриши ҳисобланади.


Ишқорнинг нисбатини оширилиши эса маҳсулотнинг унумини тушуриб юбориши кузатилди. Энг юқори чиқиш унуми шунда 1:0.5 ишқор нисбатини қўлаганда кузатилди.

Олинган намуналарнинг морфологик ва элементар таркибини СЭМ ёрдамида ўрганилди. Олинган натижалар 4-5-расмда келтирилган.



**4- расм. Ёнғоқ пўстлоғини термик пиролиз 500°C (а) қилинган, КОН билан модификация қилинган намуна (б)**


Олинган натижалардан кўриниб турибдики, С миқдори 86.3% до 94.5%, шунингдек модификациядан кейин Са миқдорини кескин тушканини кузатиш мумкин.



**5-расм. Бодом пўстлоғини термик пиролиз 500°C (а) қилинган, КОН билан модификация қилинган намуна (б)**

Олинган натижалардан фаоллантирилган бодом пўчоғидан олинган углеродли адсорбент термик пиролиздан кейин таркибидаги С миқдори 91.2 % дан 94.5 % га ортиши кузатилган.

Намуналарнинг адсорбцион кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида Quantachrome Autosorb қурилмаси ёрдамида 77 Кда паст ҳароратли азот адсорбция-десорбцияси амалга оширилди ва олинган натижалар таҳлил қилинди. Дастлабки карбонизацияланган бодом ва ёнғоқ пўчоқлари ҳамда уларнинг ишқор билан ишлов берилган намуналарининг текстур хусусиятлари таққосланди, ишқор билан модификациялашнинг таъсири ўрганилди.



**6-расм. Намуналарда азот адсорбцияси изотермлари: 1-Ё-400; 2-Б-300; 3-ЁУА-800; 4-БУА-800**

Дастлабки карбонизацияланган ҳамда ишқор билан ишлов берилиб, сўнг карбонизацияланган намуналарнинг 77 К даги азот бўйича адсорбция изотермлари 6-расмда келтирилган. Барча адсорбция эгрилари паст нисбий босимда ИЮПАК бўйича микроговаксимон қаттиқ материалларга хос бўлган I тип ва юқори босим соҳаларида IV тип изотермлар билан тавсифланади.

Графикдан гистерезис ҳалқаси сирт мезаговакларини капилляр конденсация бориши, айниқса ишқор билан модификацияланган намуналарда кўриниб турибти. Гестерезис эгри чизикларининг кенглиги ва эгриларнинг кесишуви нисбий босимнинг паст қийматларда содир бўлиб, юқори ғоваклилигини кўрсатади.

Расмдан кўриниб турганидек, ишқор билан ишлов берилган ҳар икки намунанинг дастлабки намуналарга нисбатан адсорбция кўрсаткичлари деярли икки баробарга ортган. Олинган изотермлар асосида намуналарнинг БЭТ бўйича солиштирма сирт юзалари( $S_{\text{БЭТ}}$ ), ўртача ғовак ҳажмлари ҳамда ғовакларнинг ҳажмий тақсимланиши ҳисоблаб чиқилди (5-жадвал).

**5-жадвал**

**Намуналарнинг азот адсорбцияси изотермлари асосида ҳисобланган текстур хусусиятлари**

Намуналар	$S_{\text{БЭТ}}$ , м <sup>2</sup> /г	$a_m$ , ммоль/г	$V_a$ , см <sup>3</sup> /г	$V_b$ , см <sup>3</sup> /г	$V_{\Sigma}$ , см <sup>3</sup> /г	D, нм
Ё400	403.2	0.271	0.170	0.032	0.202	2,04
Б300	486.3	0.327	0.212	0.032	0.244	1,41
ЁМА	781.17	0.525	0.348	0.044	0.392	1,42
БМА	870.6	0.585	0.388	0.049	0.437	1,41


*$S_{\text{БЭТ}}$ -БЭТ бўйича солиштирма сирт юзаси,  $a_m$  – моноқават сигими,  $V_a$  – микроговаклар ҳажми,  $V_b$  – мезоговаклар ҳажми,  $V_{\Sigma}$  - ғовакларнинг умумий ҳажми, D – ўртача ғоваклар ўлчами*

Шундай қилиб, БЭТ бўйича ҳисобланган солиштирма сирт юзаси дастлабки термик пиролиз қилиб олинган намунага нисбатан, икки баравар катталашганини кўриш мумкин. Микроғовакларни ҳам деярли икки баравар ўзгарганини, лекин мезоғовакларни деярли ўзгармаганини, яъни олинган адсорбентлар микроғовакли турга кириши аниқланган.

Диссертациянинг «Углеродли адсорбентларни сорбцион-текстур хоссалари, уларни қўллаш ва олиш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида, олинган янги адсорбентларни сорбцион кўрсаткичлари ва олиш технологияси, шунингдек техник-иқтисодий кўрсаткичлари келтирилган.

Олдинги бобдаги ўтказилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги кетма-кетликда ўсимлик чиқиндилари асосида углеродли адсорбент олиш технологияси ишлаб чиқилди, унга кўра 7-расмда келтирилган кетма-кетликда жараён боради.

Маҳаллий хом ашёлардан бодом ва ёнғоқ пўстлоғидан углеродли адсорбент олиш жараёни қуйидаги кетма-кетликда, яъни олти босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда бодом ва ёнғоқ пўстлоғларини керакли майдаликкача майдалаб (1) олинади ва пиролиз жараёнига тайёрланади. Иккинчи босқичда пиролиз қурулмасига  $800^{\circ}\text{C}$  да кўмирлаштирилади (2). Бунда хавосиз муҳитда хомашёга аргон газини юборилиши натижасида, органик моддалар ажралиб чиқади. Термик пиролиз 1-1,5 соат давомида олиб борилиб, сўнгра учинчи босқичда олинган кўмир намуналарини 50% ли NaOH эритмаси билан турли нисбатларда (1:1 ёки 1:2 нисбатларда) кўмирларни ишқорга 24 соат давомида бўктирилади (3). Сўнгра қурутиш печига  $100-105^{\circ}\text{C}$  га қўйилади.



8-расм. Ўсимлик чиқиндилари асосида углеродли адсорбент олиш технология

1-Хом ашё; 2-пиролиз; 3-ишқорга бўктириш; 4-нейтраллаш; 5-курутиш печи; 6-фаоллашган кўмир

Кейинги босқичда қурутилган намуналарни термик пиролиз жараёнига қайтарилади (2). Термолиз 2 этапда амалга оширилади. 800<sup>0</sup>С да 60 минут сақлаб турилади. Пиролиздан кейин (4) тўртинчи босқичда кўмирни дистилланган сув билан ишқордан рН-7 гача тўлиқ ювилади. Нейтралланган намуналар қуригилади (5) ва қадоқлашга жўнатилади (6).

Ишлаб чиқилган технологиянинг иқтисодий самардорлигини баҳолаш учун барча жараёнларни кетма-кетликда ҳисобланди.

**6-жадвал**

**Оқава сувларни тозалаш учун олинган углеродли адсорбентларни қўллашдан қутилаётган иқтисодий самардорлик**

№	Номланиши	Сўм бирлигида	миқдори
<b>А. АГ-3 углеродли адсорбенти кўрсаткичлари (таққослаш учун)</b>			
1	Йиллик углеродли адсорбентнинг қўлланилиши	т	55
2	1 тонна АГ-3 углеродли адсорбент тан нархи	млн.сум.	20,0
3	Йиллик углеродли адсорбент сарфи $20000000 \cdot 55 = 1100\ 000\ 000$	млд.сўм	1100,0
<b>Б. Тавсия қилинаётган углеродли ЁУА ва БУА кўрсаткичлари</b>			
1	Йиллик углеродли адсорбент сарфи	т	55
2	1 тонна олинган углеродли ЁУА ва БУА адсорбенти таннархлари: ЁУА БУА	сум	81700 00,00 78 88500 000,00
3	Йиллик углеродли адсорбент сарфи $81700\ 00,00 \cdot 55 = 449350000$ $788500\ 000,00 \cdot 55 = 433675000000$	млд. сум	

6-жадвалларда 1 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ва иқтисодий самардорликнинг “Штурвал” ООО корхонаси маҳсулоти бўлган АГ- 3 маркали фаол кумирга нисбатан қиёсий ҳисоблари бўйича маълумотлар ҳисобланди.

**ХУЛОСА**

1. Маҳаллий бодом ва ёнғоқ пўстлоқларини термик пиролиз ва ишқор билан ишлов бериш орқали модифицирланган углеродли адсорбент олиш имкониятлари яратилган.

2. Ишқор билан термохимёвий ишлов беришни унумга, унинг структур-сорбцион кўрсаткичларига таъсири аниқланган.

3. Термохимёвий КОН билан модификациялаб олинган углеродли адсорбентни 1:0,5, 1:1 ва 1:2 нисбатларда ишлов бериш чиқиш унумини

36.0% дан 46.6% га ошириши, солиштирма сирт юзалари бодом пўстлоқларидан олинган намуналарда ёнғоқ пўстлоқларида олинган намуналарга нисбатан юқори эканлиги аниқланган.

4. Паст ҳароратда азот адсорбцияси натижасига кўра ҳар икки намунанинг дастлабки намуналарга нисбатан адсорбция кўрсаткичлари деярли икки баробарга ортиши аниқланган. Олинган изотермлар асосида намуналарнинг БЭТ бўйича солиштирма сирт юзалари ( $S_{\text{ВЕТ}}$ ), ўртача ғовак ҳажмлари ҳамда ғовакларнинг ҳажмий тақсимланиши ҳисоблаб чиқилган.

5. МК сорбцияси ўрганиш натижасида ЁМА натижаси БМА никига караганда юқорилиги бу адсорбент юзасида адсорбатнинг таъсирлашиш энергиясининг ортиши, яъни фаол адсорбция марказининг ортиши ҳисобига, моноқаватнинг ҳосил бўлиш тўхтагандан кейин, полимолекуляр қатлам ҳосил бўлишини аниқланган.

6.  $\text{Cu}^{2+}$  ионларини модификация қилинган углеродли ЁМА да БМА намуналарида сорбциясида максимал сорбция рН 6-7 да бўлиши, сорбцион мувозанатга эса 200 мг/л концентрациядаги эритмаларда 3 соатда эришилиши аниқланган.

7. Оқава сувлар таркибидан метал ионларини сорбцияловчи маҳаллий ўсимлик чиқинди хомашёлардан ЁМА ва БМА углеродли адсорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

8. Оқава сувлар таркибидан метал ионларини сорбцияловчи маҳаллий ўсимлик чиқинди хомашёлардан олинган ЁМА ва БМА углеродли адсорбентларларини ишлаб чиқариш ва қўллашдан келадиган техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоблаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ  
НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**УБАЙДУЛЛАЕВА НАВРУЗА НЕМАТЖОНОВНА**

**ПОЛУЧЕНИЕ АКТИВИРОВАННЫХ УГЛЕРОДНЫХ АДСОРБЕНТОВ  
ДЛЯ СОРБЦИОННОГО РАЗДЕЛЕНИЯ БЛАГОРОДНЫХ МЕТАЛЛОВ  
И ОПРЕДЕЛЕНИЯ ИХ КОЛЛОИДНО-ХИМИЧЕСКИХ СВОЙСТВ**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган-2024**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистана под номером B2023.4.PhD/K705.**

Диссертационная работа выполнена в Институт общей и неорганической химии и Наманганском государственном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.nammti.uz](http://www.nammti.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

**Научный руководитель:** **Салиханова Дилноза Саидакбаровна**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Кулдашева Шахноза Абдулазизовна**  
доктор химических наук, профессор  
**Очилов Голиб Мамаюсупович**  
кандидат химических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» августа 2024 года в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/29.08.2023.К/Т.66.02 при Наманганском инженерно-технологическом институте (Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел.: (69) 225-10-07, факс: (69) 228-76-75, e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz), Наманганский инженерно-технологический институт, 3 здание, 1 этаж, кабинет Научного совета).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрировано под № (303). (Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел.: (99869) 225-10-07.).

Автореферат диссертации разослан: «1» августа 2024 г.  
(реестр протокола рассылки № 9 «1» августа 2024 г).

**О.К.Эргашев**

Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.х.н., проф.

**Д.Ш.Шеркузиев**

Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.т.н., проф.

**А.С.Боймирзаев**

Председатель Научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, д.х.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня утилизация промышленных отходов в мире и производство новой продукции с использованием их в качестве вторичного сырья важны не только с экологической, но и с экономической точки зрения. Одним из таких продуктов являются углеродные адсорбенты с сорбционными свойствами, изучения их сорбционных свойств и применения в адсорбционных процессах в пищевой, металлургической, химической и других областях имеет актуальное значение. Углеродные адсорбенты имеют широкий спектр применения, важное значение имеет их использование в жидких, газообразных и твердых средах.

В мире ведутся научные исследования по производству ряда эффективных сорбентов активированного угля для сорбционного извлечения драгоценных металлов. В связи с этим изучение сырьевых ресурсов; установление оптимальных условий получения углеродного адсорбента на основе скорлупы греческого ореха и миндаля; установление методов и оптимальных условий их активации и модификации; изучение адсорбционных свойств полученных углеродных адсорбентов.

В нашей республике достигаются теоретические и практические результаты по созданию адсорбентов с высокоэффективной сорбционной емкостью на основе отходов предприятий и применению их при сорбционной извлечении драгоценных металлов из сточных вод. Новая стратегия развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы по дальнейшему развитию Республики Узбекистан названа продолжением промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики и увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте по 4-му направлению определены важные задачи, направленные на «Разработка программы определения экологических требований и стандартов охраны окружающей среды в горно-металлургической промышленности на основе международных стандартов»<sup>1</sup>. В связи с этим большое значение имеет получение углеродных адсорбентов на основе отходов растений и для сорбционного извлечения драгоценных металлов при очистке промышленных сточных вод.

Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы», № УП-4265 от 3 апреля 2019 года «Меры по дальнейшему реформированию химической промышленности и повысить его инвестиционную привлекательность» и в реализации задач, определенных в решениях от 12 августа 2020 года № УП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и эффективности науки в областях химии и

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 28-января 2022 года № ПФ-60 «О новой стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы»

биологии», а также другие нормативно-правовые документы, относящиеся к данной области, в определенной степени служит данное диссертационное исследование.

**Соответствие исследования от приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике: VII. «Химические науки, химические технологии и нанотехнологии».

**Уровень изученности проблемы.** В научно-технической литературе описано создание адсорбентов на основе отходов растений и природного угля, сорбционное извлечение драгоценных металлов из сточных вод зарубежными учеными Дж.Д. Торрес, Э.А. Фариа, А.Г. Прадо, Т.Э. Никифорова, Н.А. Собгайда, Ю.А. Макарова, А.Е. Кузнецов, Н.Б. Градова, С.В. Лушников, М. Энгельхарт, Т. Вайссер, Н.С. Змур, М.В. Чеботарёва, С.В. Яковлев, И.Г. Краснобородько, В.М. Рогов, Г.А. Селицкий, В.П. Исаченко проводили научные исследования.

Из Узбекистана учёные т.к. С.С.Хамраев, М.Д.Исобеаев, Э.Х.Пулатов, Т.Х.Абдуллаев, М.З.Турдиалиев, Г.А.Мирзатиллаев, Г.М.Гулямова, К.К.Назаров, Г.Р. Нарметова, С.А.Абдурахимов, Р.Х.Сатаев, О.К. Бисенбаев, Г.У. Рахматкариев, И.Д. Эшметов, О.К.Эргашев, Д.С. Салиханова, Д.Ж. Жумаева и др. исследовали такие процессы как получение углеродных адсорбентов на основе местного сырья и отходов и изучению их адсорбционных свойств.

На основе метода термического пиролиза углеродного адсорбента учеными УзРФА проведены научные исследования по получению углеродного адсорбента на основе скорлупы грецкого ореха для сорбции амидов. Однако, научные исследования по сорбции металлов сточных водах металлургической промышленности не проводились. Поэтому актуально изучение сорбции металлов на углеродных адсорбентах полученных на основе местного сырья и отходов.

